

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ФАРМОНОВ ЭРКИН ТОЛИБОВИЧ

**САКСОВУЛ ВА ЧЕРКЕЗ ЎСИМЛИКЛАРИ УРУҒЛАРИНИ
ЭКИШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ
ЕЧИМИ**

05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ
хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎТ: 631.3: 633/635:632.521 (575.1) 043.3

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Фармонов Эркин Толибович

Саксовул ва черкез ўсимликлари уруғларини экишни
механизациялашнинг илмий-техникавий ечими.....3

Фармонов Эркин Толибович

Научно-технические решения по механизации посева семян
саксаула и черкеза.....25

Farmonov Erkin Tolibovich

scientific and technical solutions for the mechanization of sowing seeds
of plants of saksaul and cherkez.....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ФАРМОНОВ ЭРКИН ТОЛИБОВИЧ

**САКСОВУЛ ВА ЧЕРКЕЗ ЎСИМЛИКЛАРИ УРУҒЛАРИНИ
ЭКИШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ
ЕЧИМИ**

05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ
хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/T466 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Тўхтақўзиев Абдусалим
техника фанлари доктори, профессор

Турдалиев Воҳиджон Махсудович
техника фанлари доктори, профессор

Батиров Зафар Лутфуллаевич
техника фанлари доктори, доцент

Ётақчи ташкилот:

Қишлоқ хўжалиги техникаси
ва технологияларини сертифицирлаш
ва синаш маркази


Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.2019.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» декабр оят 14 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин (200 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45 факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).


Диссертация автореферати 2021 йил «11» декабр кунини тарқатилди.

(2021 йил «10» август даги 61 рақамли реестр баённомаси).




Б. С. Мирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш
раиси, т.ф.д. профессор


У. Т. Қўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш
илмий котиби, PhD., доцент


А. А. Аҳметов
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш
қопидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, улардан юқори ҳосил олиш чўлланишни олдини олиш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда «Дунё микёсида чўллар 21,0 млн. км² майдонни эгаллаганлигини ҳисобга олсак»¹, чўлланишни камайтириш ва деградацияга учраган чўлларга чўл ўсимликлари уруғларини экиб, ўсимлик қопламини қайта тиклаш ва бойитиш ишларини кам меҳнат сарфи билан сифатли амалга оширадиган машиналарни қурилмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда жумладан, чўлларга бир ўтишда ишлов бериб, саксовул ва черкез уруғларини экиб кетадиган энергия-ресурстежамкор машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда чўл худудларидаги ерларга ишлов бериш ва уларга озубоқ чўл ўсимликлари уруғларини экишнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда чўл худудлари яйловларининг масулдорлигини ошириш ва уларнинг деградацияси билан курашиш ҳамда чўл ва ярим чўл худудлари экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун, уларга йўлак-йўлак (поласа) қилиб ишлов бериш ва бир пайтнинг ўзида чўл озубоқ ўсимликлари уруғларини белгиланган миқдорда керакли чуқурликка экиб кетишни амалга оширадиган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан бу борада, чўл шароитида тупроқни дастлаб юмшатиб, сўнгра юмшатиш жойга саксавул ва черкез каби ўсимликлар уруғларини белгиланган миқдорда экадиган, сеялкани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик параметрлари ва иш режимларини асослаш долзарб ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалиги экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» нинг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари қисмида иқтисодиёт тимизнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш йўналишида «... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги

¹<https://ru.wikipedia.org/wiki/Пустыня>

юқори кишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, саксовул ва черкезнинг уруғларини белгиланган меъёрий ораликда ва чуқурликда экадиган сеялкани ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва 2019 йил 20 майдаги № ЎРҚ-538-сонли «Яйлов ҳақидаги қонун», шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841 сонли «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 14 мартдаги «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 22 февралдаги ПҚ-4204 сонли «Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари, айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги ПҚ 4420 сонли «Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида 2019-2021 йиллар параметрлари бўйича прогнозларнинг кўпайиши: қоракўл зотли кўйларнинг сони 7346 минг бошгача, жун ишлаб чиқариш 11403 тоннага, қоракўл терилари ишлаб чиқариш 1256,6 минг донага ва дашт яйлов ўсимликларининг уруғчилик майдони 8400 га, шунингдек, 2022 йилда экспортга йўналтирилган қоракўлча терисини 31600 донага, гўштини 632 тоннагача ва тиббиёт учун ноёб дори-дармонларни ишлаб чиқариш учун тимусни 316 кг гача етказиш кўзда тутилган. Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрда ПҚ 4850 сонли «Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси» тўғрисидаги қарори ҳам мавзунинг ўта долзарблиги ва муҳимлигини билдиради ва ушбу қарорлар чўл яйлов деградациясининг олдини олиш билан чўл ҳудудларининг экологик мелиоратив ҳолатни яхшилаш ва яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш вазифаларини бажаришга қаратилган ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ва ушбу қарорлар чўл яйлов деградациясининг олдини олиш билан экологик ва мелиоратив ҳолатни яхшилаш ва яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш вазифаларини бажаришга қаратилган ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналишига мос келади.

² [Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.](#)

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³ Чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғларининг физик-механик хоссалари бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларидан кескин фарқ қиладиган озуқабоп ўсимликларнинг сочилмайдиган уруғларини экиш технологияси ва техник воситаларини ҳамда сеялкаларни яратиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассалари, жумладан, University of East Anglia, Norwich, UK (Буюк Британия), ARC-Institute for Agricultural Engineering, Silverton, Pretoria (Жанубий Африка), Doon University, Dehradun (Ҳиндистон), China Agricultural University (Хитой) University of Viçosa (Бразилия), Japan International Cooperation Agency Tokida (Япония), University of Dschang (Камерун), Бутун Россия қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, Экиш машиналари давлат махсус конструкторлик-технологик бюроси, В.Р. Вильямс номидаги Бутун Россия озуқа илмий-тадқиқот институти, Воронеж ўрмон техникаси институти, Ставропол давлат аграр университети, Қалмиқ давлат университети, Доғистон давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Самара давлат қишлоқ хўжалиги академияси (Россия Федерацияси), Беларусия давлат аграр техника университети (Белорус), Қозоғистон Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, С.С. Сайфулин номидаги Қозоғистон агротехникалар университети (Қозоғистон), Республикамизда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институтлари томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва сочилмайдиган уруғларни экадиган сеялкаларнинг конструкциялари ишлаб чиқилган.

Жаҳонда, чўл яйлов ўсимликларининг сочилмайдиган уруғларини экиш технологиялари ва техника воситаларини такомиллаштириш, сеялкаларнинг янги самарали конструкцияларини, уруғларни майдон бўйлаб белгиланган меъёрда ва бир хил чуқурликка экишини таъминлайдиган машиналарни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон амалиётида сочилмайдиган озуқабоп ўсимликлар уруғларини экадиган сеялка ва уларнинг экиш аппаратлари конструкцияларини ишлаб чиқиш, синаш ва уларнинг параметрларини асослаш бир қатор олимлар, жумладан, dos Santos, A.F. da Silva, R.P., Zerbato, C. (Бразилия); Sun, W. (Хитой), Simionescu, P.A. (АҚШ), Kim, S.K. Park, S. Kwak J. (Жанубий Корея), Abdulaziz M. Assaeed, Saud L. Al-Rowaily (Саудия Арабистони), Baudron, F., Misiko, M., Getnet, B. (Шарқий ва Жанубий Африка), Ullah, A., Shah, T.M. & Farooq, M. Pulses (Покистон); Aune, J.B. (Норвегия); Schreinemachers, P. (Таиланд), Е.Д.Трухачев, В.Х.Малиев,

³<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1319562X18301153>; <https://doi.org/10.1007/s13593-019-0563-5>; <https://doi.org/10.1007/s42106-020-00108-2>; [https://doi.org/10.1007/s13593-017-0424-z](https://doi.org/10.1007/s13593-017-0424-z;); <https://doi.org/10.1007/s42853-019-00038-6>

О.С.Марченко, П.А.Хегай, П.К.Крузов, В.А.Эвиев, А.М.Петров, Н.П.Крючин, А.Х.Бекеев, М.А.Арслонов, Д.Н.Слядиев, В.Х.Малиев, Е.Д.Трухачев, Ф.В.Пошаринов (Россия Федерацияси), А.П.Бочаров, П.Д.Давыдкин, А.Г.Батыршин В.Т.Солдатов, М.Д.Адуов (Қозоғистон), Шунингдек, Республикамизда М.И.Ландсман, Г.М.Рудаков, М.Т.Тошболтаев, Г.М.Бузенков, Т.Мусаев, Л.Ш. Аликулова А.Н.Садыров, С.С. Шабурян, Ш.Урдиев, С.Аликулов, А.Турабоев, И.А.Айходжаев, Б.П.Шоймардонов, И.Т.Эргашев, С.И.Мамажонов, Ё.И.Исломов) ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Чўл озуқабоп ўсимликларнинг биологик ва хўжалик хусусиятлари, экиш ва парваришlash агротехникаси бўйича АҚШ да R.D. Harrison, K.B. Waldron, Туркменистонда Н.Т.Нечавева, Л.С.Гаевская, А.Г. Бабаев Қозоғистонда С.А.Абдураимов, Республикамизда З.Ш.Шамсутдинов, И.Ф.Момотов, М.М.Махмудов, В.Ю.Шегай, З.Б. Навиский, А.Р.Раббимов ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Сеялкаларнинг конструкцияларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш бўйича В.П.Горячкин, М.Н.Летошнев, М.А.Сабликов, А.Н.Карпенко, В.М.Халанский, Н.И.Кленин, В.А.Сакун, А.Н.Семенов, В.Е.Комаристов, Н.Д.Бандаренко, А.Хамидов, А. Тўхтақўзиев Т.С.Худойбердиев, А.К.Игамбердиев, А.А.Ибрагимов ва бошқалар шуғулланишган. Бу ишларда сочилувчанлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини экадиган сеялкалар ўрганилган. Аммо ушбу тадқиқотларда уруғларнинг физик-механик хоссалари, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларидан кескин фарқланадиган чўл озуқабоп ўсимликларининг, жумладан, саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғларини экадиган сеялканинг технологик иш жараёнини таъминлаб берадиган қонуниятлари ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-065-2015—«Республикамиз фермер хўжаликларида пахта-буғдой, буғдой (арпа)-чорва озуқа экинлари, буғдой-сабзавот (картошка) ва полиз экинлари алмашлаб экиш тизимларида ҳамда интенсив боғ ва токзорлар қаторлари орасига янги сув-энергия-ресурстежамкор технологияларни ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини яратиш ва жорий қилиб, тупроқ унумдорлигини ошириш, намлигини узоқ сақлаш, йилига 1,5-2,0 мартадан юқори, арзон, сифатли ҳосил етиштириш, фермерликни ривожлантириш» ҳамда КХ-Атех-2018-229 «Қурғоқчил яйловларни деградациядан ҳимоя қилиш ва унумдорлигини ошириш бўйича самарали техник ечимларни ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғларини экадиган сеялка конструкцияси ва экиш технологик иш жараёнини уруғлик аралашмаларнинг физик-механик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сочилмайдиган уруғларнинг экиш селкалари конструкциялари ва экиш

технологик иш жараёнлари бўйича бажарилган илмий тадқиқотлар таҳлили;
саксовул ва черкезнинг уруғларини белгиланган миқдорда ажратиб олиб,
меъёрий ораликда экадиган сеялка конструкциясини ишлаб чиқиш;

саксовул ва черкезнинг уруғларини экадиган сеялканинг параметрларини асослаш;

уруғларни ажратиб олиш жараёнида уларни биологик унувчанлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган сеялка бункери учун меъёрлаш новларига эга уруғ ажраткич барабаннинг конструкциясини ишлаб чиқиш;

сеялка бункеридан ва уруғ ажраткич барабани новидан уруғларнинг ҳаракат қонуниятларини ифодаловчи аналитик ифодаларни олиш ва улар асосида сеялканинг тавсия этиладиган параметрларини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш;

чўл ҳудудларининг экологик ва мелоратив ҳолатини яхшилаш ва озуқа таъминотини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғлари ва уруғлик аралашмаларнинг физик-механик хоссалари, сеялка бункери ва уруғ ажраткич барабаннинг технологик иш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сеялка бункери ва уруғ ажраткич барабани технологик иш жараёнларини ифодаловчи аналитик ифодалар, иш кўрсаткичларининг ўзгариш қонуниятлари, уруғ ажраткич барабаннинг ҳисоб-китоблари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, олий математика, тизимли ва математик статистика, қишлоқ хўжалик техникалари параметрларини оптималлаштириш ва синаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саксовул ва черкез уруғларини экиш жараёнида уларни эзмайдиган ва синдирмайдиган биологик унувчанлигини пасайтирмайдиган конструкциядаги сеялка ишлаб чиқилган;

уруғ ажратадиган барабаннинг конструкцияси меъёрлаш новларининг уруғларни бункердан белгиланган миқдорини ажратиб олиши ва уларни тушиши барқарорлигини таъминлаш ҳисобига ишлаб чиқилган;

сеялка ишчи қисмларининг параметрлари саксовул ва черкез уруғларини белгиланган меъёрда бункердан ажратиб олиш ва уларни меъёрий ораликда экишни ҳисобга олган ҳолда асосланган

сеялка бункери ён деворининг қиялик бурчаги, уруғ ажратадиган барабаннинг айланишлар сони ва агрегат ҳаракат тезлигининг мақбул қийматлари регрессия тенгламаларини ечиш орқали аниқланган

экиш агрегатининг турли ҳаракат тезликларига боғлиқ ҳолда бункердаги уруғлик аралашмадан белгиланган миқдорини ажратиб олиб, меъёрий ораликда саксовул ва черкезнинг уруғларини сифатли экадиган энергия-ресурстежамкор сеялка ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғларини белгиланган миқдорда ажратиб олиб, меъёрий ораликда экадиган технология ва уни амалга оширадиган сеялка ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган сеялка иш органларининг мақбул параметрларида саксовул ва черкез уруғларини экишда энергия ва ресурс сарфлари камайиши аниқланган;

сочилмайдиган уруғларини белгиланган миқдорда ажратиб олиб, меъёрий ораликда экадиган сеялка ишлаб чиқилган, ишчи қисмларининг параметрлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг самарали усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, сеялка бункери, уруғ ажраткич барабаннинг параметрлари ва иш режимлари назарий механика қоидалари асосида асосланганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган сеялка синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғларини экадиган сеялканинг конструктив параметрлари сочилмайдиган уруғлик аралашманинг хоссаларини инобатга олиб ишлаб чиқилганлиги ҳамда назарий ва тажрибавий изланишлар натижасида сеялка бункери ва меъёрлаш новларига эга уруғ ажраткич барабанининг параметрлари илмий асосланганлиги ҳамда олинган илмий натижалардан истиқболда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғларини экадиган сеялка қўлланилганда, саксовул ва черкезни уруғларини белгиланган миқдорда ажратиб олиб, меъёрий ораликда экадиган сеялка сарф харажатларнинг камайиши ва иш унумини ошиши таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғларини экадиган сеялка ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари бўйича олинган натижалар асосида:

саксовул ва черкезнинг уруғларини қаторлаб экиш учун сеялкага Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агетлигининг ихтирога патентлари олинган («Кенг қамровли сеялка» Uz № IAP 04515 ва «Чўл ўсимликлари учун модулли сеялка» Uz № IAP 06604. Натижада саксовул ва черкезнинг уруғларини белгиланган меъёрда ажратиб олиб меъёрий оралик экадиган сеялка конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

саксовул ва черкезнинг уруғларини қаторлаб экадиган сеялка Бухоро шаҳрининг атрофида ташкил этилаётган “Яшил қалқон” дастури доирасида, Пешку тумани давлат ўрмон хўжалигига қарашли Қизилқумнинг чўл қумоқ тупроқли майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 июлдаги 02/032-2948-сон маълумотномаси). Натижада саксовул ва черкезнинг уруғларини экишда йиллик иш ҳажмини бажариш харажатлари 26 фоизгача ва ёқилғи сарфи 34 фоизга камайган;

саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғларини экадиган сеялканинг конструкторлиги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖ ва «ВМКВ-Agromash» АЖ га ишлаб чиқариш учун топширилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 июлдаги 02/032-2948-сон маълумотномаси). Натижада саксовул ва черкезнинг уруғларини экадиган сеялкани саноат усулида ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро ва республика миқёсидаги анжуманларда маъруза қилинган, жумладан 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган. Сеялка 2009-2011 йилларда Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида намойиш этилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 14 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий, 12 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та ихтирога. ва 2 та фойдали моделга ҳамда 2 та ЭҲМ дастурига гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта бобдан, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Докторлик диссертациянинг ҳажми 173 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакиллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишочлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чўл ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитлари, саксовул ва черкезнинг хўжалик таснифлари, уруғларнинг физик-механик хоссалари, агротехник талаблар”**, деб номланган биринчи бобида чўл ва ярим чўл ҳудудларининг тупроқ иқлим шароитлари, уларнинг физик-механик хоссаларининг таҳлили, чўл чорвачилик яйловларнинг ҳолати, уларни яхшилаш йўллари, саксовул ва черкезнинг қисқача хўжалик таснифлари, уруғлари, саксовул ва черкезнинг экиш машиналарига ва уруғларининг экишга қўйиладиган агротехник талаблар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Чўл

ҳудудларининг экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қоракўлчилик ва умуман қурғоқчил чорвачилик соҳаси барқарор ривожланишининг биринчи навбатдаги вазифаси деградацияга учраган яйловларни тиклаш ва маҳсулдорлигини ошириш учун самарали технология ва техник воситаларни ишлаб чиқариш зарурлиги кўрсатиб берилган.

Ўтказилган таҳлиллар асосида қуйидагиларни такидлаш мумкин, чорва моллари маҳсулдорлигини кўпайтириш биринчи навбатда мустаҳкам озуқа манбаига кўп жиҳатдан боғлиқ, уларни етарли миқдоргача ишлаб чиқариш фақатгина табиий яйловлар ҳолатини яхшилаш ва чўл, ярим чўл ҳудудларида пичан етиштиришни ташкил этиш ҳисобига амалга оширилади. Истикболли табиий ёввойи ҳолда ўсадиган чўл озуқабоп ўсимликлар, жумладан саксовул ва черкез каби қадимий бута ўсимликларни экиш билан чўл ҳудудларининг экологик ва мелиоратив ҳолатини тиклаш учун энг афзал ўсимликлардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун чўл ва ярим чўл ҳудудларининг экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деградацияга учраган яйловларни тиклаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун самарали технология ва техник воситаларни ишлаб чиқариш билан чўл яйловлари ҳолатини яхшилашнинг таъминланиши эътироф этилган.

Диссертациянинг **“Озуқабоп ўсимликларнинг сочилмайдиган уруғларини экадиган сеялкалар, қурилмалар конструкциялари ва чўл ҳудудлари ерларини экишга тайёрлаш технологиялари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида Жаҳон миқёсида сочилмайдиган уруғларни экишда қўлланилаётган экиш агрегатлари ва мосламалари ҳамда илмий тақиқот ишларининг таҳлили натижалари асосида, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосли шакиллантирилган.

Саксовул ва черкез етиштириш технологиясининг машиналар умумий комплексида экиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ўз вақтида сифатли бажарилиши яйловлар деградациясини бартараф этиш, маҳсулдорлигини ошириш ва кўчма қумларни тўхтатиш, чўл ҳудудларининг экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан бирга меҳнат ва бошқа сарф-харажатларни кескин камайтиришни таъминлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғларини белгиланган миқдорини ажратиб олиб, меъёрий ораликда экадиган сеялканинг конструкциясини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Уруғларни белгиланган миқдорини ажратиб олиб, меъёрий ораликда экишда, уларни унувчанлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган меъёрлаш новларига эга уруғ ажраткич барабани тавсия этилган.


Диссертациянинг **“Чўл ва ярим ҳудудларида саксовул ва черкезнинг уруғларини экадиган сеялканинг параметрларини асослаш”**, деб номланган учинчи бобида диссертациянинг асосий назарий ва тажриба амалиётига бағишланган бўлиб, унда сеялканинг технологик иш жараёни, икки қисмдан иборат бункернинг ичида уруғ ҳаракатини моддий нуқтага ҳос моделини талқин этиш асосида дифференциал тенгламалари тузилган.

Тенгламани синалган математик усуллар ёрдамида ечими, уруғ заррачаларининг ҳаракатланиш вақтини, ўзгарувчи омиллар чегаравий

қийматларида доимий коэффициентларни аниқлаш асосида моддий нуктанинг ҳаракат тезлигини ҳисоблаш формулалари тавсия этилган.

Уруғнинг ҳаракат тезлиги v ва мақбул концентрацияси $S_k=0,75$ бўлган ҳолати учун, бункер ички сиртини ишқаланиш кучи ва қиялик бурчак α қийматини ҳисобга олувчи ҳисоблаш усули таклиф этилган. Кинематик ва динамик параметрлари таҳлил қилинган ва аниқ ҳисобий натижалар олинган.

Сеялканинг экспериментал нусхасини тайёрлашда турли хилдаги сеялкаларнинг, уруғ ажракичли ва меъёрлагичларнинг конструкциялари ўрганиб чиқилган. Саксовул ва черкезнинг сочилмайдиган уруғлик аралашмаларининг физик-механик хоссаларини бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлик аралашмаларининг физик механик-хоссаларидан кескин фарқланишини ҳисобга олган ҳолда, меъёрлаш новларига эга уруғ ажраткич барабани билан таъминланган янги сеялканинг конструкцияси ва технологик иш жараёнини тавсия қилинди (1-расм). Ушбу илмий техник ечим ва конструкция ЎзР. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган патентлар билан ҳимояланди («Кенг қамровли сеялка» Uz № IAP 04515 ва «Чўл ўсимликлари учун модулли сеялка» Uz № IAP 06604).



1-рама; 2-ҳаракат узатувчи таянч ғилдираклар; 3-занжирли узатма;
4- редуктор; 5-бункер; 6-уруғ тўзитгич; 7-уруғ ажраткич барабани;
8-меъёрлаш новлари; 9- уруғ йўналтиргич; 10-уруғ ўтказгич; 11-резинали уруғ туширгич; 12-занжир.

1-расм. Сеялканинг конструктив схемаси ва технологик иш жараёни


Олиб борилган назарий ва лаборатория тадқиқоти бўйича икки қисмдан иборат сеялка бункерининг конструкцияси тавсия этилган. (2-расм). Бундай конструкциядаги сеялканинг технологик иш жараёнида уруғларни бункернинг пастки қисмида тиқилмасдан биологик унувчанлигига салбий таъсир кўрсатмасдан уруғ тўзитгичга, уруғ ажраткич барабанининг меъёрлаш новларига тушиши таъминланади.

Сеялканинг бункерида уруғларнинг ҳаракати механик қонунияти таҳлил этилган.

Жараёни тўлиқ ва аниқ ифодалашда бункернинг тўғри тўртбурчак конструкциядаги биринчи қисмида уруғларнинг ҳаракати алоҳида тадқиқ этилган (2-расм).

Тавсия этилган конструкция бўйича бункерининг юқори биринчи қисми

уруғларни пастга томон ҳаракатини яхшилаш мақсадида, унинг деворлари уруғ тўзитгич ва уруғ ажраткич барабанига нисбатан уруғнинг метал юзаси бўйича ишқаланиш бурчагидан катта бурчакда ясалади ва U ўқи йўналишида горизонтга 90° бурчак остида ўрнатилади. Бункернинг ичида уруғлар пастга



1-бункер; 2-уруғ тўзитгич; 3-уруғ ажраткич барабан.

I-бункернинг биринчи тўғри тўртбурчак қисми.

II-бункернинг иккинчи трапециясимон қисми.

2-расм. Бункернинг икки қисмдан иборат конструкциясининг схемаси

томон ҳаркатлантирувчи оғирлик кучи G ва ҳаракат йўналишига қарама-қарши йўналишдаги қаршилик F_1 ва Архимед F_2 кучлари ўзаро таъсирда бўлади. Уруғнинг оғирлик кучи G қаршилик F_1 ва Архимед F_2 кучларининг йиғиндисидан катта бўлса, яъни $G > F_1 + F_2$ шарт бажарилса уруғлар бункер бўйлаб унинг юқори биринчи қисмидан пастга, унинг иккинчи қисми томон ҳаракатланади.

Уруғни ҳаракат тенгламасини келтириб чиқаришда назарий механика қонунларига асоланди. Уруғни моддий нукта сифатида қабул қилиниб, унинг ҳаракат тенгламаси вертикал текислик бўйича қуйидагича тузилди.

$$m \frac{d\vartheta_0}{dt} = \overline{G} - \overline{F}_1 - \overline{F}_2, \quad (1)$$

бунда G – уруғнинг оғирлик кучи, N;

F_1 – қаршилик кучи, N ; F_2 – Архимед кучи, N; ϑ_0 – уруғнинг тезлиги, m/s; m –уруғнинг массаси, kg;

Оғирлик кучи ва Архимед кучини умумлаштириб қуйидагича ёзамиз:

$$G - F_2 = (\rho_y - \rho_x) g V, \quad (2)$$

бунда ρ_y –уруғнинг зичлиги, kg/m^3 ; ρ_x –ҳавонинг зичлиги, kg/m^3 ; V –уруғнинг ҳажми, m^3 ; g –эркин тушиш тезланиши, m/s^2 .

Қаршилик кучини Стокс модели ассосида аниқланди:

$$F_1 = 3\pi\mu\vartheta_0 d, \quad (3)$$

бунда μ –динамик ёпишқоқлик коэффиценти; d –уруғнинг диаметри.

Келтирилган (1), (2) ифодаларни (3) қўйиб ҳамда $m = \rho_y V$ эканлигини инобатга олиб, уруғ ҳаракатининг математик модели қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\rho_y V \frac{d\mathcal{G}_0}{dt} = Vg(\rho_y - \rho_x) - 3\pi\mu\mathcal{G}_0 d. \quad (4)$$

Куйидаги белгилашларни киритиб $g \frac{(\rho_y - \rho_x)}{\rho_y} = A; \frac{3\pi\mu d}{\rho_y V} = B$, (4) ифода куйидагича ёзилади:

$$\frac{d\mathcal{G}_0}{dt} = A - B\mathcal{G}_0; \quad \frac{d\mathcal{G}_0}{Bdt} = \frac{A}{B} - \mathcal{G}_0;$$

Маълум математик ўзгартиришларданг сўнг, дифференциал тенглама (4) куйидагича ёзилди:

$$t = B_1 \ln \frac{A_1}{A_1 - \mathcal{G}_0}. \quad (5)$$

Бу ифода асосида уруғни бункернинг иккинчи қисмига тушиш тезлиги куйидагича аниқланади:

$$\mathcal{G}_0 = A_1 \left(1 - e^{-\frac{1}{B_1} t} \right) \quad (6)$$

Тавсия этилаётган ҳисоблаш усуллари (5) ва (6) дан амалиётда фойдаланишда уруғларни биргаликда тушиш жараёнида кўшилган масса “эффекти” пайдо бўлади. Кўшилган масса “эффекти” ни баҳолаш учун уруғларнинг биргаликдаги тушиш тезлигини куйидагича аниқланади:

$$\mathcal{G} = \mathcal{G}_0 (1 - S_k)^k, \quad (7)$$

бунда S_k – уруғларнинг концентрацияси, $S_k = V_0/V$; V – уруғ бункерининг ҳажми, m^3 ;

V_0 – уруғлар эгаллаган ҳажм, m^3 ; k – тажрибада аниқландиган коэффицент.

Лабораторияда олиб борилган тажрибалар асосида бункердаги уруғларнинг бошланғич параметрлари аниқланиб, тажриба коэффиценти аниқланади.

Шундай қилиб, тавсия этилган бункернинг тўғри тўртбурчак конструкциясидаги биринчи қисмида уруғларни ҳаракатланиши ва уларни тушиш вақтини аниқлаш ифодалари олинди.


Тажриба учун керак бўладиган уруғлик аралашмаларнинг физик -механик хоссаларига оид маълумотлар асосида ҳисоблаш ишлари (5), (6) ва (7) ифодалар ёрдамида амалга оширилди (саксовул ва черкез учун). Ҳисоблаш ишларида куйидаги бошланғич маълумотлар қабул қилинди: уруғлик аралашманинг зичлиги $\rho_y = 120 \text{ kg/m}^3$, ҳавонинг зичлиги $\rho_x = 1,2 \text{ kg/m}^3$, динамик ёпишқоқлик коэффиценти $\mu = 18,2 \cdot 10^{-6} \text{ Pa}\cdot\text{s/m}^2$, уруғнинг ҳажми $V = 0,5 \cdot 10^{-5} \text{ m}^3$.

Бу ерда уруғлик аралашманинг мақбул ҳаракат тезлиги $\mathcal{G} = 0,13-0,25 \text{ m/s}$ ни ва концентрацияси $S_k = 0,75$ ни ташкил этди.

Бункернинг иккинчи қисми қия жойлашган девори сиртидаги уруғнинг ҳаракатини тадқиқ этишда П.М. Василенко томонидан тавсия этилган усулдан

фойдаланилди.

Уруғ бункерининг иккинчи қисми қия жойлашган девори сиртидаги ҳаракатининг қонуниятини тадқиқ этиш учун қуйида келтирилган ҳисоблаш схемасидан фойдаланилди (3-расм).



3-расм. Бункернинг иккинчи қисми қия девори сиртида уруғ ҳаракатининг модели

Бункернинг қия девори текислигида жойлашган уруғга қуйидаги кучлар таъсир этади: оғирлик кучи G , ишқаланиш кучи $F_{ум}$, уруғларни қанотчалари билан бир-бири билан илашиш кучи $F_{ил}$ ва нормал реакция кучи N .

Бункернинг қия жойлашган девори сирти бўйлаб уруғ юқоридан пастга ҳаракатланиши учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим.

$$G \sin \alpha_y = F_{ум} + F_{ил} \quad (8)$$

Ишқаланиш ва илашиш кучлари қуйидаги ифодалар бўйича аниқланади

$$F_{ум} = f_y N = f_y G \cos \alpha_y ; \quad (9)$$

$$F_{ил} = j_y N = j_y G \cos \alpha_y , \quad (10)$$

бунда f_y ва j_y – мос равишда ишқаланиш ва илашиш коэффицентлари;

α_y – бункернинг қия жойлашган девори текислигининг горизонтга нисбатан қиялик бурчаги, градус.

Бункер қия деворининг сирти бўйича пастга йўналган x_1 координата ўқи ўтказилади, ҳаракат x_1 ўқи бўйича пастга M нуқтадан бошланади, уруғни материал нуқта деб қаралди. Қия жойлашган бункер девори текислигида уруғни пастга x_1 ўқи бўйлаб ҳаракатини бошланғич шартлари этиб қуйидагилар қабул қилинди: $t=0$ да $x_1=0$ ва $X_1 \mathcal{Q}_{y0}$,

Уруғни бункернинг қия жойлашган девори текислигидаги X_1 ўқи бўйлаб ҳаракати қуйидаги дифференциал тенглама билан ифодаланади

$$m_y \frac{d^2 X_1}{dt^2} = G \sin \alpha_y - F_{ум} - F_{ил} \quad (11)$$

(11) ифодага F_{um} ва F_{ul} ни (9) ва (10) ифодалар бўйича қийматларини қўйилса ва $G=m_y g$ эканлигини ҳисобга олинса (11) ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\frac{d^2 X_1}{dt^2} = g \sin \alpha_y - f_y g \cos \alpha_y - j_y g \cos \alpha_y \quad (12)$$

Маълум математик ўзгаришлардан сўнг:

$$X_1 = V_1 t_2 \sin \alpha + \frac{1}{2} g t_2^2 (\sin \alpha_y - f_y \cos \alpha_y - j_y \cos \alpha_y) \quad (13)$$

Энди (13) формуладан фойдаланиб уруғни бункернинг иккинчи қисми қия девори текслигида ҳаракатланиш вақтини аниқланади.


$$t = \frac{-V_1 \sin \alpha_y + \sqrt{V_1^2 \sin^2 \alpha_y + 2X_1 g (\sin \alpha_y - f_y \cos \alpha_y - j_y \cos \alpha_y)}}{g (\sin \alpha_y - f_y \cos \alpha_y - j_y \cos \alpha_y)}. \quad (14)$$

Уруғни X_1 ўқи бўйлаб пастга бўлган ҳаракатидаги босиб ўтган масофа бункер иккинчи қисми қия деворининг узунлигига тенг бўлади. Конструкцияда қия жойлашган деворнинг узунлиги 35 см этиб белгиланган, демак, уруғнинг ҳаракат масофаси 35 см ни ташкил этади. Бункер ён деворларининг қиялик бурчаги ва уруғларни тушиш вақти ўзаро парабола қонуни бўйича боғланган. Бунда бункер ён қия деворларининг узунлигини $X_1=35$ см, эркин тушиш тезланиши $g=9,81$ м/с², қиялик бурчагини $\alpha_y=45^\circ-90^\circ$, уруғларни тушиш вақтини $t=35-55$ с, уруғларни металл юзаси бўйича ишқаланиш ва уларни илашиш коэффицентларини, $f_y=j_y=0,15-0,35$, уруғни бошланғич ҳаракат тезлиги $V_1=0,15$ м/с этиб қабул қилинди.

Уруғларни сеялка уруғ ажраткич барабанининг новидан тушиш шартини тадқиқ этишда новдаги уруғларга таъсир этувчи кучлар кўриб чиқилди (4-расм).

Уруғ ажраткич барабанининг меъёрлаш нови билан бирга ҳаракатланаётган уруғга оғирлик кучи G , нормал реакция кучи N , ишқаланиш кучи F_u ва марказдан қочирма куч F_{mk} таъсир қилади.

Координата ўқлари қуйидагича йўналтирилади: X_1 – ўқини новда жойлашган уруғга уринма қилиб, V_1 – ўқини нормал реакция кучи бўйлаб O_1 нуқтадан ўтказамиз.



4-расм. Уруғларни меъёрлаш новидан тушишини тадқиқ этишга доир схема

Агарда уруғга таъсир этувчи оғирлик, нормал реакция, ишқаланиш ва марказдан қочма кучларнинг X_1 ва Y_1 ўқларидаги проекцияларининг йиғиндиси нолга тенг бўлса, уруғ нисбий тинч ҳолатда бўлади, яъни:

$$\sum X_1 = -F_{mk} \sin \beta + F_u - G \cos(\beta - \alpha) = 0 \quad (15)$$

$$\sum Y_1 = N + F_{mk} \cos \beta - G \sin(\beta - \alpha) = 0, \quad (16)$$

бунда α – ажраткичнинг X ўқига нисбатан бурилиш бурчаги; β – O_1Y_1 ўқи ва F_{mk} орасидаги бурчак.

$$(15) \text{ ифодадан } N = G \sin(\beta - \alpha) - F_{mk} \cos \beta. \quad (17)$$

Бунда $F_u = fN$ (бунда f – уруғни новга ишқаланиш коэффициентини) эканлигини ҳисобга олганда (15) ифода куйидаги кўринишни олади

$$-F_{mk} \sin \beta + f(G \sin(\beta - \alpha) - F_{mk} \cos \beta) - G \cos(\beta - \alpha) = 0. \quad (18)$$

Бу ифодага $F_{mk} = m\omega^2 R$ ва $G = mg$ (бунда m – уруғнинг массаси; ω – ажраткич барабанининг бурчак тезлиги; R – ажраткич барабанининг радиуси; g – эркин тушиш тезланиши) қийматларни кўйиб, у куйидаги кўринишга келтирилади:

$$-m\omega^2 R \sin \beta + f[mg \sin(\beta - \alpha) - m\omega^2 R \cos \beta] - mg \cos(\beta - \alpha) = 0 \quad (19)$$

ёки

$$\omega^2 R \sin \beta + f[g \sin(\beta - \alpha) - \omega^2 R \cos \beta] - g \cos(\beta - \alpha) = 0. \quad (20)$$

Бу ифодага асосан уруғ ажраткич новидан тушиши учун куйидаги шарт бажарилиши лозим.

$$\omega^2 R \sin \beta + g \cos(\beta - \alpha) > f[g \sin(\beta - \alpha) - \omega^2 R \cos \beta]. \quad (21)$$

Бу ифодани куйидаги кўринишга келтирилади.

$$-\omega^2 R(\sin \beta + f \cos \beta) > g[f \sin(\beta - \alpha) - \cos(\beta - \alpha)]. \quad (22)$$


Бу ифодани ω га нисбатан ечиб, ажраткич барабанининг уруғларни унинг новларидан тушишини таъминлайдиган бурчак тезлигини аниқлаш имконини берадиган ифода топилади:

$$\omega > \sqrt{\frac{g[f \sin(\beta - \alpha) - \cos(\beta - \alpha)]}{R(\sin \beta + f \cos \beta)}}. \quad (23)$$

Ажраткич барабанининг айланишлар сонини аниқлаш учун уруғлик аралашманинг метал юзаси бўйича статик ишқаланиш коэффициентини f , ажраткич барабанининг радиуси r , эркин тушиш тезланиши g , меъёрлаш новининг уруғ тушадиган чекка ҳолатига тўғри келадиган бурчаги α , O_1Y_1 ўқи ва марказдан қочма куч F_{mk} оралиғидаги β бурчакдан фойдаланилди. Бунда $f = tg \varphi = 0,78$ (саксовул ва черкез уруғларининг металл юзаси бўйича ишқаланиш бурчаклари 35° - 40° ни ташкил қилади), $r = 5,0 \text{ sm}$, $g = 9,81 \text{ m/s}^2$, $\alpha = 20^\circ$, $\beta = 80^\circ$ қабул қилинди. Бу қийматларни (23) ифодага кўйиб, ажраткич барабанининг айланишлар сони аниқланди.


